

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MU6184168118

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xujaobod tumani xalq ta'limi tomonidan 01.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xo'jaobod tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.B.YUSUPBEKOV
01.11.2022



"Tasdiqlayman"

Р. Рахманов

2022 yil

HUQSON DALOLATNOMASI

1.09 2022 yil

Xo'jaobod tumani

Bizlarkim, quyidagi imzo chekuvchi hay'at a'zolari:

1. Рахманов Р. Рахманов Мақсад гузелатопи
2. Куротова А. А. А. Тўғридак йўналиш гузелатопи
3. Сағарбоева С. С. С. Мақсад гузелатопи
4. Тоилбаев М. М. М. 276 йил мақсад гузелатопи

ushbu dalolatnomani shu haqda tuzdikkim Xo'jaobod tuman XTBga qarashli 15-sonli umumta'lim maktabini ta'mirlashda quyidagi ishlarni bajarish kerakligi aniqlandi:

№	Bajariladigan ishlar nomi	O'lchov birligi	Soni	Ushbu
1	2	3	4	5
	Bino			
1	Deraza blogidagi oynani almashtirish	m2	23	
2	Eshik bloklarining qullarini almashtirish	dona	12	
3	Al'yumin profilli vitrajilarni o'rnatish	m2	17,42	
4	Devorni gipsokarton bilan qoplashda yog'och karkas o'rnatish	m3	0,84	
5	Devorni gipsokarton bilan qoplash	m2	252	
6	SHipni (potolok) dekorativ plastik panel qoplama bilan qoplash	m2	54	
7	Devorni cho'qilib chiqish	m2	232	
8	Devorni shpatievka qilish	m2	252	
9	Devorni suv-emulsiyali bo'yoq bilan bo'yash	m2	252	
10	APPVS markali 2x1,5 mm2 elektr simini o'rnatish	m	62	
11	APPVS markali 2x2,5 mm2 elektr simini o'rnatish	m	118	
12	Quvvati 24 vti LED chirog'ini o'rnatish	dona	6	
13	Elektr o'chirgichini /viklyuchatel/ o'rnatish	dona	6	
14	Elektr rozetkasini o'rnatish	dona	4	
15	YOng'inga qarshi kurash shitini o'rnatish	Kompl.	9	

Hay'at a'zolari:

Р. Рахманов
2. Куротова
3. Сағарбоева
4. Тоилбаев

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хужаобод тумани халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш олиб боровчи директор в.в.б Ф.Эргашев бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «NURULLO DIYOR QURILISH» MCHJ ва унинг номидан низом асосида иш олиб боровчи директор Ж.Тусматов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур 28.10.2022 йилдаги лот №22110012165410 сонли эълонга асосан шартнома шартларига мувофиқ Хужаобод тумани халқ таълими бўлими таъсаруфидаги 15 сонли умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 69 000 000 (олтмиш тўққиз миллион) сўм, тегишли ҳисоб рақамдан амалга оширилади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни 20 700 000 (Йигирма миллион етти юз минг), сумни олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи яъни 48 300 000 (қирқ саккиз миллион уч юз минг) сумни «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар Ф-3 буюртмачининг таклиф қилган тулов жадвалига асосан ҳисоб китоб қилади.

2.5. «Буюртмачи» охириги тўловни «Пудратчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун қафолат муддати бир йил

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 3 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши ҳаражатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдоридан «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

8.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Йетказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Йетказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“NURULLO DIYOR QURILISH” MCHJ
Манзил: Избоскан туман Узун кўча 49
х/р: 20208000605308633001
Банк номи: АТ Саноат-Қурилиш банк Андижон
минтакавий филиали
МФО: 00440 ИНН: 307929324

Рахбар
Ж.Тусматов

«БУЮРТМАЧИ»

Хужаобод тумани ХТБ
Манзил: Хужаобод тумани Навоий МФЙ
СТИР: 206966434 ОКОНХ: 92310
Шх/в: 100022860032367092100075064
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилиги
Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш
Ягона Ҳазначилик ҳисобварағи СТИР: 201122919
х/р: 23402000300100001010, МФО:00014

Рахбар в.в.б :

Ф.Эргашев





Хуҷаобод туман халқ таълим бўлимига тасарруфидаги 15-умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш учун ишлари буйича танлов комиссиясининг йиғилиш
БАЁНИ №2

2022 йил «1» ноябр

Хуҷаобод тумани

Хуҷаобод туман халқ таълим бўлими тасарруфидаги 15-умумтаълим мактабидда жорий таъмирлаш учун ишлари хақида»ги 2022 йилда тасдиқланган танлов хайъатининг аъзоси йиғилишда иштирок этдилар:

- | | |
|-------------------------------------|--|
| 1. М.Толибжонов | - туман ХТБ бош мухандиси хайъат раиси |
| Х А Й Ё А Т А Ё З О Л А Р И: | |
| 2. З.Қодирова | - туман ХТБ бош мутахассиси котиби |
| 3. К.Толипов | - туман ХТБ мутахассис, аъзо |
| 4. С.Мадорипов | - туман ХТБ методисти, аъзо |
| 5. О.Мадаминов | - туман ХТБ методист, аъзо |

КУН ТАРТИБИ

Хуҷаобод туман халқ таълим бўлими тасарруфидаги 15-умумтаълим мактабидда жорий таъмирлаш ишлари буйича танлов ўтказиш хақида

Кун тартибидаги масала юзасидан туман халқ таълим бўлими мудир в.б. Ф.Эргашев сўз олиб жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилган 15-умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш ишлари учун нуқсонлар кайдномасига тузилган булиб, жорий таъмирлаш ишлари учун 69 979 056 сўм маблағ ажратилиши қўзда тутилган.

Биз ушбу жорий таъмирлаш учун ишларни амалга оширувчи пудрат ташкилоти - қурилиш корхонасини аниқлаб олишимиз керак. Мактабни жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишда танловга қатнашиш таклифи Махсус Ахборот парталига 21.10.2022 йил жорий таъмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини таёрлаб 69 979 056 сўмга лот №165410 билан эълонлар жойлаштирилди

Эълонга берилган №	Эълон нашр этган сана	Эълонга берилган маблағ	Эълонга қўйилган хизмат тури	«Нурилло диёр қурилиш» МЧЖ томонидан қўйилган таклиф	MUXAMMDMUSTAFO QURILISH MCHJ томонидан қўйилган таклиф
165410	21.10.2022 й	69 979 056 сўм	Хуҷаобод туман хидирша МФЙ 15-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари	69 000 000 сўм	67 179 893.76 сўм

Танловда Избоскан туманидаги «Нурилло диёр қурилиш» МЧЖ ҳамда Андижон шаҳрида MUXAMMDMUSTAFO QURILISH MCHJ МЧЖ лар ўз тижорий таклифлари билан қатнашадиган.

1. «Нурилло диёр қурилиш» МЧЖ
 Бажариладиган ишлар буйича 69 000 000 сум

2. MUXAMMDMUSTAFO QURILISH MCHJ МЧЖ
 Бажариладиган ишлар буйича 67 179 893.76 сум

Хайъат аъзолари томонидан 15-умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш ишлари учун амалга оширувчи корхоналарининг таклифларини ўрганиб чиқилиб, электрон тасдиқлаган.

Икки кунлик муҳокамада этирозлар келиб тушмагандан сунг

Танлов комиссияси аъзолари кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган танловда Андижон вилояти Давлат хизматлари маркази томонидан 2020 йил 23 ноябрь куни тадбиркорлик субъекти сифатида № 917125 ракам билан гувоҳнома берилган (СТИР № 307929324) «Нурилло диёр қурилиш» МЧЖ жорий таъмирлаш ишларини бажариб беришлигини ҳисобга олиб танлов ғолиби деб топилсин.
2. Ушбу қарорга асосан Хўжаобод туман халқ таълим бўлимининг «Нурилло диёр қурилиш» МЧЖ билан 15-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишда баҳолаш мезони юқори баҳоланганлиги ҳисобга олиниб шартномани расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.
3. MUXAMMAM MUSTAFO QURILISH MCHJ томонидан кўйилган таклифлар баҳолаш мезонида паст баҳоланганлиги сабабли рад этилди.

4 Шартномада жорий таъмирлаш учун смета ҳужжатларини таёрлаш амалга оширишда ташкилотларни узинга нисбатан банкротлик эмаслиги, каррупсиёга йўл қўймаслиги тўғрисида тилхат, ишларни бажариш учун зарур техникавий молиявий моддий кадрлар ва бошқа ресурсларни мавжудлиги тўғрисида ҳужжатларни тақдим қилганлиги ҳисобга олинсин.

5. Таъмирлаш ишлари учун буюртмачининг пудрат ташкилоти билан ҳисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ўн кун бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар (маълумотномалар) бўйича амалга оширилсин.

6. «Танлов натижалари бўйича ғолиб» деган тушунча пудратчи ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома шартлари бузилганда буюртмачи, яъни туман халқ таълим бўлими ташаббуси билан шартномани бекор қилишга тўсқинлик қилмаслиги таъкидлансин.

Қарор йиғилиш иштирокчилари томонидан ёқлаб овоз бериш билан қабул қилинди.

Комиссия раиси:



М.Толибжонов

Комиссия котиби:




З.Қодирова

Комиссия аъзолари:



Қ.Толипов



С.Мадорипов

О.Мадаминов